

Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида:

**2022 - йил 25 - март
ҳокимлиги**

ВИ-41-35-8-118-К/22

Узун туман

Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида:

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддаси, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддаси, “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8, 11 ва 12-моддаларига мувофиқ, шунингдек фуқаролар йиғинлари раисларининг ваколат муддати 2022-йилнинг май ойида тугаши муносабати билан Халқ депутатлари Узун тумани Кенгаши қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2022-йил 16-мартдаги КҚ 320-ИВ-сонли қарори маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.
2. Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари)нинг навбатдаги сайлови 2022-йилнинг май ойида ўтказилсин.
3. Навбатдаги сайловда 47 нафар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайланиши маълумот учун қабул қилинсин.
4. Қуйидагилар:

2022-йил май ойида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тадбирлар режаси 1-иловага;

фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи туман комиссиясининг таркиби 2-иловага;

фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайлови бўйича сайлов бюллетени намунаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Халқ депутатлари туман Кенгашига:

2022-йилнинг 25-мартига қадар фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи туман комиссияларини тузиш;

ҳар бир депутатга ўз сайлов округида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишда фаол қатнашиш тавсия этилсин.

6. Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи туман комиссияси туманда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини қонунчиликга мувофиқ ташкил этиш ва ўтказилишини таъминласин.

7. Туман ҳокимлиги фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишда фуқаролар йиғинларига кўмаклашиш, зарурат бўлганда уларни бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминлаш чораларини кўрсин.

8. Туман Ички ишлар бўлими (М.Ишқараев) фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ўтказишда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш

чораларини кўрсин.

9. Туман Тиббиёт бирлашмаси бўлими (С.Йўлдошев) туман давлат Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати туман бўлими (Ғ.Худойбердиев) билан биргаликда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайлови ўтказиладиган жойларда тиббиёт пунктлари фаолиятини юқори даражада ташкил эцин ҳамда санитария-гигиена талаблари ва карантин қоидаларига риоя қилинишини назорат қилсин.

10. Туман ҳокимлигининг матбуот котиби (Т.Атаханов), “Боботоғ тонги” газетаси бирлашган таҳририяти (И.Бобоколонов)га фуқаролар йиғинлари раислари

(оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш жараёнларини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

11. Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи туман комиссияси фуқаролар йиғинлари раислари

(оқсоқоллари) сайлови яқунлари тўғрисидаги маълумотларни умумлаштирсин ҳамда 2022-йил 5-июнга қадар халқ депутатлари Узун туман Кенгаши ахборот берсин.

12. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш халқ депутатлари Узун туман Кенгаши котибияти (Ў.Ражабов) зиммасига юклансин.
13. Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Кенгаш раиси

Б.Б.Турсунов

Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи туман комиссияси

ТАРКИБИ

Комиссия раиси

1. Саидов Ахмад Тожиевич – Узун тумани Телекоммуникация
боғланмаси бошлиғи

Комиссия раисининг ўринбосарлари

2. Тошбоев Бўри Ишмаматович– Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими
бошлиғининг Кексалар ва фахрийларни
қўлаб қувватлаш, ёшларда ватанпарварлик
руҳини
мусатаҳкамлаш бўйича ўринбосари
3. Нодирова Рано Қиличевна –Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши

директори

Комиссия котиби

4. Ташанов Сайфиддин Мингалиевич – Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари

Агентлиги Узун туман бўлими бошлиғи

Комиссия аъзолари

5. Дониёров Умид Мамашарипович – Туман Адлия бўлими бошлиғи

6. Сафарова Дилором Шадиловна – Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими

бошлиғи ўринбосари

7. Бобоколонов Илхом Ўринбаевич – Туман “Боботоғ тонги” газетаси муҳаррири

8. Хидиров Шавкат Абрақулович – Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Узун туман Халқ қабулхонаси мудирини

9. Гулбоева Саломат Сафаровна – Туман ҳокимининг ўринбосари - Оила ва

хотин-қизлар бўлими бошлиғи в.в.б

10. Рахмонов Шухрат Қосимович – Узун тумани ҳокимлиги ташкилий-кадрлар

гурухи раҳбари

11. Қосимов Шохиддин Саломович – Туман Ички ишлар бўлими бошлиғи

ўринбосари

12. Холназаров Шарофиддин

Рустамович

– Туман Статистика бўлими бошлиғи

13. Мирзаева Замира Абдухамитовна – Халқ депутатлари туман Кенгашига сайлов

ўтказувчи туман сайлов комиссияси

котиби

14. Рахимов Абдукадир Сафарович – Узун туман ўқув-техника спорт клуби

бошлиғи

15. Атаханов Тўланбой Махмудович – Узун тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати
раҳбари – Матбуот котиби
16. Ражабова Насиба Алмахмадовна – Республика Маънавият ва маърифат
маркази
Узун тумани бўлими раҳбари
17. Юлдошов Сайриддин Носирович – Тумани Тиббиёт бирлашмаси бошлиғи
18. Худайбердиев Ғози Тажиевич – Туман Давлат санитария-эпидемиология
осойишталик маркази бош врач
19. Мирзаев Ибодулло Муродуллаевич – Узун тумани Истеъмолчилар
ҳуқуқларини
ҳимоя қилиш жамияти раиси
20. Худойбердиев Сирожиддин
Мингалиевич – Туман Халқ таълими бўлими мудир